

РЕКЛАМА · 16+

Боярь-Аниме! Попаданец против кланов. Читать или скачать

author.today

Подробнее

РЕКЛАМА · 16+

Настольный считыватель карт стандарта Mifare/EM-Marine

entpro.ru

Подробнее

E'lonni berkitish

Shikoyat qilish

Reklama beruvchi haqida

Yandexda reklama

Havoladan nusxa olish

Reklama e'loni

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "СПЕЦФОРМБЕТОН", STIR 7743178967, ID #47942297

E'lonni berkitish

Shikoyat qilish

Янгиликлар

24 сен 10:33

СЎНГИ ЯНГИЛИКЛАР



Бошқалар

Спорт тўғараклари чемпионлик сари етаклайди

Теглар : ЎзДЖТСУ

Кейинги йилларда спорт турларига бўлган юксак эътибор туфайли аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортга бўлган оммавийлик кескин ошганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Шу боиски, спорт турлари бўйича халқаро мусобақаларда кўплаб ёшларимиз чемпионликни тантана қилиб, Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги "Гимнастика спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ - 449 - сон қарори ҳам айти мазкур олимпия ўйинлари таркибидан ўрин олган гимнастика спорт турларининг ривожланиш истиқболини белгилаб берган, дейиш мумкин.

Мазкур қарорда аҳоли ўртасида гимнастика спорт турлари (спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, трамполин, акробатика) оммавийлигини ошириш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш тизимини такомиллаштириш, халқаро талаб ва стандартлар асосида профессионал спортчиларни тайёрлаш орқали миллий терма жамоаларимизнинг нуфузли мусобақаларда юқори натижаларга эришишини таъминлаш бош мақсад қилиб кўрсатилган.

13:00 ФИФА ЖЧ-2030`ни 64 та жамоа билан ўтказишдан манфаатдор 0

12:39 Баҳодир Жалолов россиялик рақибига қарши жанги учун рус боксчиси билан тайёрланмоқда (ФОТО) 0

12:18 Висенте Лукке UFC Fight Night 261 турниридаги рақибни ўзгарди 0

11:57 Егор Болотов Жаҳон чемпионатининг бронза медали соҳибини! 0

11:36 Goal 2026 йилги "Олтин тўп" даъвогарлар рейтингини тузди. Амалдаги "Олтин тўп" соҳибини Топ-5`да ҳам эмас! 0

11:15 Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоасида доғистонлик мураббий иш бошлади 0

10:54 Шон О'Мэлли Оқ уйда жанг қилиш учун ўз шартларини айтди 0

10:33 Спорт тўғараклари чемпионлик сари етаклайди 0

10:12 Хусановнинг жароҳат сабаб қанча муддатга сафдан чиққани маълум бўлди 0

09:51 Чарльз Оливейрага янги рақиб берилди + ПОСТЕР 0

09:30 Ўзбекистон делегацияси МДХ ўйинларида иштирок этиш учун Озарбайжонга жўнаб кетди 0

09:07 Қозоғистонлик боксчи бирлаштирувчи чемпионлик жангида рингга чиқишга яқин 0

08:46 Неймар "Олтин тўп" натижалари ҳақида: "Рафиньянинг 5-ўринда туриши - шунчаки масхарабозлик" 0

08:25 Чел Соннен: "Махачев - Топурия тўқнашуви Макгрегорнинг ҳар қандай жангини ортда қолдиради" 0

08:04 Юсупов ва Аҳадов Qingdao Grand Prix 2025 турнирида иштирок этади 0

яна янгиликлар



Янгилик эмас, бугун олий таълим муассасаларида ёшларни халқаро стандартларга мос равишда таълим олишлари, жисмоний тарбия ва спорт билан ошно бўлишлари учун зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Хусусан, Чирчиқ давлат педагогика университетида ҳам талабаларимизнинг танлаган йўналишлари бўйича тахсил олишлари борасида етарлича шароит ва имкониятлар яратиб берилган.

Сўзимиз аввалида бежизга Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Гимнастика спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори хусусида тўхталмадик. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Чирчиқ давлат педагогика университети "Жисмоний маданият" факультети қошида спорт гимнастикаси бўйича тўғараклар йўлга қўйилган. Ушбу тўғаракларда талабалар сони кўпчиликини ташкил этади.

Спорт гимнастикаси тўғаракимизда турник, брус ва акрабатика каби йўналишларда машғулотларга зўр берган Ойбек Маҳмаджонов, Худоёр Хамроев, Жаҳонгир Мажидов, Ойдин Маннапжонов, Азиза Жаббарова сингари талабалар университетлар ўртасида ўтказилаётган турли мусобақаларда иштирок этиб, муносиб натижаларини қўлга киритмоқда.



Бундан ташқари Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, Чирчиқ шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли умумий ўрта таълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Шунингдек, режамизда бор, яқин атрофдаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи ўқувчиларни ҳам қизиқишларига қараб тўғарақларимизга жалб этиш ниятидамиз.

Мақсадимиз жисмоний тарбия йўналишида таҳсил олаётган талабаларимиз ва маҳалла ёшларини гимнастика спорт турларига қизиқтириш орқали оммавийликка эришиш ҳамда катта спорт сари, чемпионлик сари, йўналтириш бўлади.



Сардор АБДУРАХИМОВ, Чирчиқ давлат педагогика университетининг "Жисмоний маданият назарияси" кафедраси ўқитувчиси

Ҳавола : <https://olamsport.com/uz/news/122492>

Olamsport.com сайтининг **Facebook** даги саҳифасини кузатинг!

РЕЙТИНГ:

Хабар ёқдимиз? Биринчилардан бўлиб дўстларингиз билан ўртоқлашинг!

0

0

0

Ўхшаш янгиликлар

10:54 Шон О'Мэлли Оқ уйда жанг қилиш учун ўз шартларини айтди  0

09:30 Ўзбекистон делегацияси МДХ ўйинларида иштирок этиш учун Озарбайжонга жўнаб кетди  0

07:43 Шон О`Мэлли ҳам Оқ уйда жанг қилмоқчи  0

Фикрлар

Фикр қолдириш учун [авторизациядан](#) ўтинг

< сўнгги янгиликларни кўриш